


Ушбу
сонда:«МАЛИКА»
МАҲСУЛОТЛАРИ
хорижга экспорт қилинадиКАНЦЛЕР
КИМ БУЛАДИ?«ЭКСПОРТ»
КИЛИНАЁТГАН
БЕҲАЁЛИКГазета 1995 йил 22
февралдан чиқа
бошлаган

АДОЛАТ

Инсон манфаатлари — олий қадрият

* ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ *

● ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. ● СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА ● 2005 йил 23 сентябрь ● № 39 (535)

ПРЕЗИДЕНТНИНГ
ХОРАЗМ
ЗАМИНИДАГИ
УЧРАШУВЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда амалга оширилаётган ишлар, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг бориши, қишлоқ хўжалигида юз бераётган кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида 21-22 сентябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Юртбошимиз сафарнинг биринчи кунини Қорақалпоғистоннинг Кегейли, Нукус туманларида бўлиб, у ерда илгор фермер хўжаликлари, пахтакорлар эришаётган ютуқларга муносиб баҳо берди. Президентимиз, шунингдек, Оролбўйида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, янги қурилаётган иншоотлар билан танишди. Жумладан, Нукус шаҳрида барпо этилаётган Маданият коллежи, яқинда фойдаланишга топширилган Болалар спорт саройи, Болалар аквапарклариди бўлди. Хўжайлидаги 1-Меҳрибонлик уйида бажарилаётган реконструкция ишлари билан танишиб, мутасаддиларга тегишли тавсия ва кўрсатмалар берди. Меҳрибонлик уйига «СамКочавто» заводида ишлаб чиқарилган микроавтобус совға қилди.

Шу кунини Президент Ислам Каримов Хоразм вилоятига келди.

Мамлакатимиз тараққиёт-да ўзининг бой тарихи, бетакор маданий мероси, иқтисодий салоҳияти билан муҳим ўрин тутадиган Хоразм вилояти ҳозирги кунда сайёҳлик соҳасида ҳам етакчи максада эга.

«УзОлмонхотел» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси муассаслигида Урганч шаҳрида «Хоразм Палас» меҳмонхонаси қад ростланди.

Давлатимиз раҳбари мазкур меҳмонхонада яратилган шарт-шароит билан танишар экан, туризм соҳаси тараққиётида қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади:

— Биз аввало халқаро меъёрлар асосида сайёҳлик маданиятини ривожлантиришимиз, хизмат кўрсатиш савиясини янада оширишимиз керак. Қўхна, Хоразмдек бой тарихга эга воҳага хорижлик сайёҳлар эътиборини қўйиши шарт. — деди Юртбошимиз. — Бу соҳани ривожлантириш учун малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Туризм тараққиёти ва мамлакатимизнинг бу борадаги имкониятлари ҳақида гапирар экан, Президентимиз Япония, Хитой, Жанубий Корея ва Европа давлатлари сайёҳларининг мамлакатимизга қизиқиши тобора ортиб бораётганини қайд этди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикрлари Хоразмда меҳмон бўлиб турган япониялик фуқаролар билан мулоқотимиз чоғида яққол исботини топди.

— Сайёҳлар аввало тинч

ва осуда жойларга интиладилар, — дейди япониялик Ямагита Мийоки. — Биз Ўзбекистонга ташрифни Хоразм воҳасидан бошладик. Одамлар юзидаги очкилик, самимият мени ўзига мафтун этди. Ўзбекистонга келиб азалий орзум ушалди. Шарқ ва Ғарбни бир-бирига боғлаб келган, меъморий обидалар, муқаддас қадимжоларга бой цивилизация бешикларидан бири бўлган қадимий юртингиз ҳар қандай кишини хайратга солиши шубҳасиз.

Шу кунини Юртбошимиз Урганч шаҳри марказидан ўтган Шовот канали устидаги қайта реконструкция қилинган кўприкни бориб кўрди. XX асрнинг биринчи ярмида бунёд этилган, хоразмликлар «қўхна кўприк» деб атаб келган ушбу иншоот икки баравар кенгайтирилди. Бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишган Президентимиз мутасаддиларга зарур тавсиялар берди.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Хоразм вилоятида ҳам Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш юзасидан кўп ишлар қилинмоқда. Бунинг сўнги ойларида қўхна ўлкада бир неча замонавий тиббиёт муассасалари ишга туширилгани ҳам таъкидлади.

Президентимиз Хоразмга ташрифининг иккинчи кунини анғидан бунёд этилган Янгибозор туман марказий шифохонаси билан танишувдан бошлагани бежиз эмас.

Давлатимиз раҳбари мутахассислар билан суҳбатда бундай муассасалар, авваламбор, замонавий ташхис ва даволаш ускуналари билан ажралиб туриши лозимлигига эътибор қаратди. Масалан, болаларни даволаш алоҳида руҳий муҳит ва ўзига хос ёндашувлари талаб этади. Президент Ислам Каримов кўпроқ ихтисослашган шифохоналар ташкил этишни тавсия қилди.

Ижтимоий соҳадаги бошқа муҳим вазифаларга доир муҳокама ва мулоқотлар Урганч шаҳрида давом этди.

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуумий таълимидаги мувофиқ бу йил Хоразм вилоятида 52 умумтаълим мактаби капитал реконструкция қилинди ва таъмирланди. Лекин гап фақат таълим масканларининг таъмирида эмас, балки уларда олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнининг мазмун-моҳиятини чуқурлаштиришда, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Усиб келаётган авлоднинг келажақда қандай инсонлар бўлиб етишиши ўқитувчи ва мураббийларнинг ўз хайрли ишига нечоғли ижодий ёндашишига боғлиқ.

(Давоми 2-бетда)

Самарқандлик йўлсозлар қўхна ипак йўлини
таъмирлашда Япония грантига сазовор бўлишди

Бунёдкорлик

ЙЎЛ МУРОДГА ЕТКАЗАДИ

Азалдан савдо, иқтисодий, маданий алоқаларни таъминловчи йўллар мамлакат тараққиётида муҳим аҳамият касб этиб келган. Хусусан, Шарқ ва Ғарбни туташтириб турувчи Буюк ипак йўли жохон харитасида барча манзилларга олиб чиқувчи қўлай ва ишончли йўл сифатида белгиланган. Шу боис бутун дунёнинг кўпгина мамлакатлари Ипак йўлидаги қадимий алоқаларни тиклашга манфаатдорлик билан ёндашмоқдалар.

Япония ҳукумати Ўзбекистон ҳудудидан ўтадиган ана шу қўхна ипак йўлини қайта таъмирлаш, соз ҳолда сақлаш учун биринчилар қатори махсус грант ажратди. Унга мувофиқ қадимий йўлнинг маълум қисмини — Самарқанд — Қарши халқаро автомагистралини таъмирлаётган йўлсозларга асфальт ётқириш, текислашда ишлатиладиган энг замонавий техника воситаларини яқин орада етказиб бериш мўлжалланган.

Ҳозир мазкур автомагистрални жохон андозаларига мос тарзда

қайта бунёд этиш, йўл ёқаларида зарур инфратузилмаларни яратиш учун катта куч ва имкониятлар ишга солинмоқда. Самарқанддаги ва республикамиз вилоятларидаги энг таъмирлаш йўлсозлар шу ерда ўз маоратларини намойиш этишмоқда. Бош пудратчи — Самарқанд туман йўл қурилиш ва улардан фойдаланиш корхонаси раҳбари Шаҳоб Исомид-диновнинг таъкидлашича бу муҳим ишни бажариш учун фақат шу йилнинг ўзида бир ярим миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилиши, 51 километрлик масофа қайта таъмирланиши лозим. Бугунги кунгача йўлсозлар автомагистралнинг деярли тенг ярмини таъмирлаб бўлишди.

Тендир шартларида кўра, қурилишда иштирок этаётган ҳар бир ташкилотга аниқ вазифа юклатилган. Хусусан, Самарқанд махсус магистрал йўллардан фойдаланиш бошқармаси, «Самарқандободончилик» акциядорлик жамияти, «Люкс» йўлсозлик фирмаси ва Қўхна магистрал йўлларни

барпо этиш корхонаси жамоалари ўзларига берилган топшириқни тезкорлик билан уddалаб, махсус экспортлар гуруҳининг юқори баҳосига сазовор бўлмоқдалар.

Кискас, Самарқанд — Қарши автомагистрални оғир юкли ва енгил транспорт воситалари қатнови учун бирдек қўлай ва раван бўлиши, бу йўл авлодларга ҳам узоқ вақт хизмат қилиши учун ҳамма имкониятлар ишга солинмоқда. Зотан, йўллар раванлиги мамлакат ободлигию, халқнинг юксак маданиятидан нишондир. Йўл қурган эса албатта муродига етди.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири

Суратларда: автомагистрални таъмирлашда ғайрат кўрсатаётган Самарқанддаги махсус магистрал қурилиш бошқармаси хайдовчиси Неймат Жўраев. Автомагистралнинг қайта таъмирланаётган қисми.

бошлаган. Шундан сўнг подадан олдин чанг чикармоқда астойдил аҳд қилган хорижий журналистлар, таъбир жоиз бўлса, атрофдаги ҳодисаларга «қора кўзойнак» ортдан боқиб, ҳатто шунча хунрезликлардан бирон тукларни «қилт» этмай, виждон(агар бу ноёб туйғу уларда бўлса)ларни қийналмай ёлгон-яшиқ ахборотларни тўқиб, бутун жаҳонга тарката бошладилар. Гўёки Андижонда «тинч на-

бурга эди. Ҳақиқатнинг юзига тик қарай олмайдиган ичимиздаги ғаламислар хориждаги гумашталарнинг бурюмталарини «қойилма-қом» қилиб бажарганлари эвазига мўмайгина «мулла жабрининг» олишларини уларнинг ўз оғизларидан эшитганлар бор. Норасмий маълумотларга қараганда, хориж радиоларининг ана шундай ёлғонча ишчилари (мухбирлардан ташқари!) мамлакатимиз, унинг бунёд-

ҚОРА КЎЗОЙНАК
ёхуд нонкўрликнинг баҳоси қанча?

ий ишининг 15 нафар ўта фаол иштирокчисига оид қисми Олий Судга қўриб чиқиш учун топширилган, қолган 106 нафар айбланувчига нисбатан тергов якунига етмоқда.

Бироқ, масаланинг яна бир томони борки, юқоридаги Баёнотда тилга олингандек, террорчилик хуружи билан бир вақтинчи ўзида Ўзбекистонга қарши ахборот уруши ҳам тайёрланган. Шу мақсадда инсон ҳуқуқларини химоя қилувчи қатор хорижий ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва чет эл хайрия жамғармаларининг олдиндан оғоҳ қилинган вакиллари ҳали воқеалар бошланмасидан аввал 9-10-май кунлари, кўпчилиги эса май ойининг биринчи кунлариданоқ Андижонга чегарадош ҳудудларда тўплана

мойишчилар» ҳукумат қўшинлари томонидан аёвсиз ўққа тутилган. Нима эмиш, мингдан ортиқ беғуноҳ одам ҳалок бўлибди. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари поймол этилаётганмиш. Нима эмиш, миш, миш...

Хулласалом, мамлакатимиз террорчиларнинг босқинидан жафо чеккани етмаганди, бузғунчи кучларнинг информациян хуружига ҳам душ қолди.

Алам қиладиган жойи шундаки, «қора кўзойнак»ли мухбирлар орасида шу юртининг тузини ичиб, тузулига тулпарган нонкўр кимсаларнинг борлиги. Асл воқеликни кўра-била туриб ўз иродасига қарши бораётган, игво-ю бўғтондан иборат тур тўқибдан бу ношукр бандалар алапокибат ўз турларига ўзлари иланиб қолмасалар,

қора халқи устига ағдарган мағзавааларининг бир дақиқаси учун 25-30 доллар олишаркан. Агар бу мағзава куюкрок бўлса, яъни, «сенсация»га айлана олса, «чой-чақ» ҳам шунга мос: ҳар дақиқасига 50 гача бораркан!

Аммо фақат қорин гамини ўйлаб, Ватан, эл манфаатларини ўз балои нафси йўлида қурбон қилиш қайси қушқонга сирғаркин? Ўз туғишган қавамининг юзига қора балчиқ чаплаб, гарб корчалонларининг жонли қўғирчоғига айланиб қолган, ўргатилган маймундек «ога»ларининг мусқисига аллақерини кўз-кўз қилиб жилпаллаб ўйнайдиган кимсалардан нафратланмай бўладими, ахир?! Ханузгача турги сўзлашни ҳаёлига келтирмаётган, оқнинг устидан қора рангни қуюқлаштириб

Дехқонлар интиқлик билан кутган, ғалвир сўвдан қўтарилиб, уларнинг меҳнатлари самараси қўринадиган мавсум бошланганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Фидокорона меҳнат туфайли уюлган хирмон тобора кўкка бўй чўзмоқда. Биринчи ҳосил тарозига қўйилгандан йигирма кун ўтмай Балиқчи туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги пахтакорлари давлатга пахта сотиш йиллик режасини вилоятда биринчилардан бўлиб уддаладилар.

Ширкат аъзолари жорий йилда 442 гектар майдонда «Оққўрғон-2» навли гўза парваришладилар. Астойдил қилинган меҳнат эвазига 17 иш кунинда 1340 тонна сифатли саноат хомашёси қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилди. Биргина пахтачиликдан олинадиган ялпи даромад 417 миллион сўм бўлса, шунинг 99 миллион 600 минг сўми хўжалик хазинасига соф фойда бўлиб қиради. Ҳар қандай ишда ҳам моддий манфаатдорлик муҳим ўринда туради. Шу кунгача теримчилар учун хўжаликда 61 миллион сўмдан ортиқ нақд пул тўлангани йигирма-теримда асосий омил бўлди.

— Ерни боқсанг, ер сени боқади, деганлари ҳақ гап, — дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Рустамали Солиев. — Режа бажарилган бўлса ҳам далаларимизда ҳосил мўл. Терим суръати ва сафарбарлиқни суғайтирмаган ҳолда давлатга қўшимча 500 тонна хомашё етказиб беришга аҳд қилдик.

Олинадиган даромад ҳисобидан мактаб, мактабгача таълим муассасаси, қишлоқ-врачлик пункти биноларини сифатли қилиб таъмирлаш, қишлоқ йўлларини раванлаштириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш қўзғалган.

Суратда: илгор теримчи Дилрабо Юсупова кунига 100 килограмдан ортиқ пахта териб, хўжалик меҳнат зафарига муносиб улуш қўшди.

Азаматжон МАҲМУДОВ,
«Адолат» мухбири

Спортимиз юлдузлари

ҚОСИМЖОНОВ
АРГЕНТИНАДА ЎЙНАЙДИ

Яқинда Германиянинг Дрезден шаҳрида шахмат оламининг етакчи мутахассислари иштирокида Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕнинг 76-конгресси ўтказилди. Анжунанда бугунги кунда энг долзарб аҳамият касб этган масалалар қўриб чиқилди. Конгресс давомида асосий эътибор жaxon чемпионини аниқлаб берадиган чемпионатни ўтказиш шарт-шароитлари, унда қатнашадиган грессмейстерларнинг номзодини тасдиқлаш масаласига қаратилди.

(Давоми 4-бетда)

Муносабат

чаплаб ташлаётган «бўёқчи»ларнинг андишасиз қилишлари бейхитёр малзум Йўлчининг тоғаси Мирзакаримбойга қарата ғазаб билан айтган сўзларини ёдга солиди: «Бундан кўра гўнг титганинг яхши эмасми, қари товук?!»

Начора, Андижоннинг мард ва танти ўғлини, халқ

лолмай бир чимдим олиб ялаб қўрибди. У нарсга туз экан. Шунда ўғри бу ернинг тузини татишим, демек меҳмон бўлдим, деган ҳаёлга борибди ва жамми ййққан-терганларини ташлаб, қуруқ кўл билан қичиб кетибди.

Эрталаб хазинабон антика ҳознатинг гувоҳи бўлибди. Хазинада лаҳм қовланган, бор бойликлар қопларга солинган, бирок ҳеч нима ўғирланмаганди. Бу ҳодиса ҳақида дарҳол подшоҳга хабар берибди. Шаҳаншоҳ барча аёнларини ййғиб, мазкур воқеага изох сўрабди. Аммо ҳеч ким сирининг тағига етолмабди.

Жарчилар чор атрофга овоза қилишибди. Кимда ким шу ишни қилган бўлса, подшоҳ ҳузурига келиб нима учун хазинани ўғирлаб кетмагани сабабини айтиб берсин. Унга ҳеч қандай жазо қўлланмабди, аксинча муқофотланди.

Шунда халғи ўғри ўйлаб-ўйлаб шох ҳузурига боришга қарор қилибди ва саройга ташриф буюриб, қилмишига иқдор бўлибди.

(Давоми 2-бетда)

Тадбир

2005 йил - Сихат-саломатлик йили

ЎЗБЕГИМ ЎҒЛОНЛАРИ

Бухоро шаҳрида вилот ички ишлар бошқармаси, хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати худудий бўлими, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, "Маҳалла" жамғармаси бўлими томонидан милиция таянч пунктлари, профилактика инспекторлари ўртасида "Ўзбегим ўғлонлари" кўрик-танловини ўтказилди. Илк бор ташкил этилган бу тадбирда танловнинг шараф ва тўғри босқичларида ғолиб чиққан ўн икки нафар ходим иштирок этди.

Танлов шартларига кўра, дастлаб иштирокчилар спортнинг уч тури бўйича беллашди. 60 та тест саволи орқали уларнинг касбга доир билимлари баҳоланди. Турли савол-жавоблар, эркин мавзудаги чиқишларда улар-

нинг дунёқараши, шунингдек, пазандчилик маҳорати ҳам синовдан ўтказилди.

Кўрик-танлов якунларида кўра, Бухоро шаҳридаги 15-милиция таянч пункти инспектори Давлат Дўстмуродов биринчи ўринга лойиқ топилиб, эгаллади ва рангли телевизор билан тақдирланди. Жондор туманидаги 115-милиция таянч пункти профилактика инспектори Нарзишёр Содиқов иккинчи ўринни эгаллаб қимматбаҳо совға билан мукофотланди. Учинчи ўрин эса Вобект туманидаги 46-Корақўл туманидаги 162-милиция таянч пункти катта инспекторлари Мақсуд Мустафоев ва Тоҳиддин Бобоевга насиб этди.

Дилмурод ЖАББОРОВ, "Адолат" муҳбири



Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 15-оилавий поликлиникасида 70 га яқин тиббиёт ходимлари хизмат қилаяпти. Мазкур даволаш муассасаси 16500 аҳолига хизмат кўрсатади.

— Бундан ташқари, 4 та боғча, 2 та мактаб ва кўплаб кичик корхоналар ҳам бизнинг хизматимизда, — дейди ушбу поликлиника шифокори Назира Нажмиддинова. — Дардига шифо топган минглаб беморларнинг миннатдорлиги бизга ҳар доим ғайрат ва бахтиёрлик бағишлайди.

Бу ерда олий тоифали жарроҳ, гинеколог, окулист, терапевт, лор ва бошқа мутахассислар беморлар дардига дармон бўлмоқда. Айниқса, Мунаввар Зоҳидова, Бахтиёр Яхшибоев каби малакали врачлар хизматидан аҳоли мамнун.

Н. ҲАЙДАРОВ олган сурат

Айримлар ўзларининг ишлари қолиб, бировлардан айб ахтариб юради. Бир танишим бор. Касби муҳандис. Ўзини матбуотнинг билимдони ҳисоблайди.

Яқинда уч-тўрт ҳамкасб тушлик қилиб ўтиргандик, тасодиф ўша муҳандис танишимиз ҳам келиб қўшилди. Қўриниши анча асабий. Танишимдан бу ҳолатининг сабабини сўрадим.

— Сиз ҳеч бозорларимизда хорижий газета-журналлар савдоси билан шуғулланаётганлар билан гаплашди, улар сотаятган газета-журналларни арабчадан кўрганмисиз? Айрим хорижий нашрлардаги бешарм суратларни томоша қилганмисиз? Олди-қочидан иборат, ўқисанг кўнглинг айнийдиган, аёл билан эркак ўртасидаги интим муносабатларга аялганча ёзилган мақолаларни ўқиганмисиз?

— Йўқ, — дедим елка қисиб. — Унда, аввал, бир бозор айланг, кейин гурунлашамиз, — деди кўл қўзиб хайрлашаркан.

Кечки пайт ишдан эртарақ чиқдимда танишим айтган газета-журналлар растасига йўл олдим. Рангидан кўз қамашадиган олма-ноқлар сотилаётган пештахтнинг орқа томонидан стол устида газета тахламлири турганига кўзим тушди: "Аргументи и факти", "Труд" ва шунга ўхшаш номлари таниш-но-таниш газета-журналлар. Бир-ик-икитасини арабчадан кўрган бўлдим. Ҳеч ёмон жойи йўқ. Мана, "СПИД-ИНФО" ҳам бор экан. Уни кўлга олиб арабчадан — унчалик оқич-сочик, беҳаё суратларга кўзим тушмади. "Танишим қизиқиб са-а-ал оширворган экан, шекилли", деган хаёлга ҳам бормиди. Шу пайт фикримни сотувчи қизнинг овози бўлди:

— Ака, анча пайтдан бери туриб-сиз. Сизга қайси газета керак? Ўзим топиб берман.

Қиз бола нарсас бўлса, дабдурустан: "Мен мана шунақа газетани қидирияман", деб қандайд айтмаган. Яхшиси, бошқа бирорта-сидан сўрарман, деган хаёлга бурилиб кетмоқчи эдим унинг саволи жойимдан жилишимга йўл қўймади:

— Сизга қайси нашр керак ўзи? Қидириб овера бўлманг. Ҳаммаси ўзимизда топилди.

У шундай деб тахламлир орасида бир неча газета ва журналларни сўгуриб олиб, стол устига таш-

лади. Энг устидан журнални кўлимга олдим. Қозоннинг силлиқлиги-ю, сифатининг азололиги эътиборимни тортди. Номини ҳам қарайиб экан: "Вот так!" Қарайлик-чи бунинг нимаси "так" экан деган фикрда арабчадан. Воҳ... яхшиси кўрмасам бўлар экан. Шармандалик ҳам шунчалик бўладими?.. У ёқ бу ёқимга қарасам, ҳеч ким менга эътибор қилаётгани йўқ. Сотувчи қиз ҳам сақичини қарсиллатиб, ёнидаги дугонасига гап сотаяпти. Секин-и-кин иккинчи журнал номига кўз ташладим. Бунининг номини янада қарайиб — "Все жизнь в

Муаммо, муҳокама, мулоҳаза

ни бошқа нарсасига йўйди шекилли, яна саволга тўтди:

— Ха, ака. Булар ёқмадимми? Агар ёқмаган бўлса, бундан ҳам зўрлари бор...

Энди унинг овози биринчи галдагидек жарангдор туюлмади. Кўз қарашларидаги ҳиссиётликка, беҳаёликка ҳам энди эътибор бердим. Ўзимни кўлга олиб, уни саволга тутдим:

— Мана бу газетангиз қанча ту-

— Журналист бўлсанг ўзингга, сенга бозорни текширишни ким қўйибди?..

— Опа, кечирасиз. Бу сизнинг қизингизми?

Опа эса мени эшитишни ҳам истамасди.

— Сенинг нима ишинг бор. Газеталар меники, бу қиз сотувчим бўлади. Савдо-сотик қилишга рухсат берувчи гувоҳнома бор. Ҳар ойда қарсиллатиб солиқ тўлаб турибман...

— Мана шу беҳаё газета-журналларни қизингиз ўқибди истайсизми? — Нима дедим, қизим беҳаё эмас. Уйда ўтиради. Гап топмасдан энди, уйдаги қизимга осилмоқчимисан...

Қарасам, бу аёлга гап ўқтириб бўлмайди. Қўлимни силтадим, пештахта олдида узоқлашдим. Қулоғимда унинг гапи: "Менинг қизим беҳаё эмас...". Одамзот қизиқ-да, ўзининг қизи ёки ўғли

"ЭКСПОРТ" ҚИЛИНАЁТГАН

ёхуд яна бозорларимизда
ноқонуний сотилаётган
нашрлар хусусида

БЕҲАЁЛИК

теле". Номини ўқиб қўнглим бир ноҳушликни сезгандек бўлди-ю, барибир қизиқш устунлик қилиб кўл чўздим. Буниси... Инсоф юзасидан айтганда, "Вот так"чилар ҳам са-а-ал эвида иш қиларкан, шекилли деган ўйга бормиди. Учинчиси... "Я молодой"ни эса, кўлга олишимга ҳожат ҳам қолмади. Тўғридан-тўғри муқовадаги аёл сурати... Худди онандан тургандек... Энди ўзимни мажбурлаб кейинги газета-журналларнинг номларига бир-бир кўз югуртирдим — "Вне закона", "Плейбой", "Оригинал" ва ҳақозо...

Уларни кўздан кечирар эканман, ҳар бир саҳифасидаги беҳаёлик, фахш, қабоҳат ва разолат кўзга аяқол ташлашни турарди. Мана шу беҳаёликлар тўла нашрларни қўшқўзи популдеккича ўзбек қизи сотаётганидан минг бора афсусландим. У менинг довдираб турганим-

ради?..

Саволимга жавоб бера туриб, сотувчи қиз менинг харидор эмаслигимни сезиб қолди чоғи, норози ҳолатда стол устидаги газеталар-журналларни тезда йиғиштириб олди.

Хали унга бирор сўз айтишга улгурмасидан қаршимда рўмонли кўзгача бостириб ўраб олган гавадиди бир аёл пайдо бўлди. У ҳам ҳе йўқ, бе йўқ, дағдаға қила кетди:

— Хов, менга қара? Қимсан ўзи? Нимага ўзингдан-ўзинг келиб бу бечорани сўроқ-савол қилаёсан? Нима ҳақинг бор? Қани ҳужжатингни бир кўриб қўйлик-чи?

Тўғриси, мен нима сабабдан бундай маломатларга учраётганимни англаб улгурмасидан атрофимизга анча-мунча одам тўпланиб улгурган эди. Опанинг эса, жағи тинмай демайди:

беҳаё бўлмаса бўлди. Бошқаники-чи? Ахир, бундай нашрларни ўқиган ёки томоша қилган ўсимнинг ахлоқи қандай бўлади?

"Экспорт" қилинаётган бундай беҳаё нашрлар бозорларимизда қандай пайдо бўляпти? Умуман уларни сотишга рухсат берилганми ёки йўқми?..

Албатта, бу иллатнинг олдини олиш бир киши ёки бир идоранинг иши эмас, унга жамоатчиликнинг эътиборини қаратиш зарур. Қолаверса, мутасадди идоралар бу борада аниқ чораларни белгилаб олишлари керак. Ёшларимизнинг ахлоқ-одоби, таълим-тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган бундай беҳаё нашрлар қай йўллар билан мамлакатимизга олиб келинаётганини, нега улар бозорларимизда бемалол сотилаётганини аниқлаш зарур.

Ислом ҲАМРО

АФАНДИНИНГ ЯНГИ САРГУЗАШТЛАРИ

БАҒАОАГА БОРОЛМАЙМАН

Бир кун Афандига саводи йўқ бир йигит:

— Ҳўжам, хат ёзиб берсангиз, — дея илтимос қилибди.

— Кимга? — сўрабди Афанди.

— Отамга ёзмақиман, — жавоб берибди йигит.

— Кечир, — дебди Афанди, — ишим кўпчилигидан ҳеч қайсига бормайман.

— Боришинг нима кераги бор?

— Тушунмадимми, мен ёзган хатни ўзимдан бошқа

ҳеч ким ўқийлмади. Агар ёзгандан бўлсам, уни ўқиб бериш учун Бағдодага яна ўзим боришим керак бўлади.

БАЛКИ ЭШИК ИККИТАДИР

Афанди уйга қайтаётганида дўстлари уни тўхта-тиб, шундай дейишди:

— Сен бизни уйингга олиб бориб, меҳмон қилишинг керак.

Афанди ноилоҳ уларни уйига бошлаб кетибди. Ётиб келишгач, дўстларига бироз кутиб туришларини, ўзи кириб хотинини

огоҳлантириш зарурлигини айтиб ичкарига кириб кетибди. Бўлган воқеани айтиб, хотинини қақирилмаган меҳмонлар олдига юборибди:

— Бор, уларга мени уйда йўқ деб, айт. Кетишин.

Хотини меҳмонлар олди-га чиқиб, ҳеч нарсас билмагандай сўрабди:

— Нега бу ерда туриб-сизлар?

— Афандини кутаётгандик, — жавоб берибди меҳмонлар.

— У уйда йўқ. Эрталаб кетганича хали уйга келмади.

— Ахир ҳозиргина биз билан келиб, мана шу эшикдан кириб кетди-ку?

Хуллас улар росаям баҳслашиб қолиб, шовқин кўтарибдилар. Охири Афандининг сабри тугаб, деразадан бошини чиқарибди ва бақириб дебди:

— Қанақа беодоб одам-сизлар! Балки, уйда эшик иккитадир, Афанди биринчидан кириб иккинчидан чиқиб кетган.

ТИШ ОҒРИҒИ

Анча вақтдан буён Афандининг тиши тез-тез оғриб

турар, олдиргани қўрқар экан. Бир кун юзини катта рўмон билан боғлаб юрганида, бир ошнаси билан учрашиб қолибди.

— Эй афанди, — дебди у, — бир тишини сугуриб ташлаш шунчалик қийинми? Нимадан қўрқасан?

Агар бу тишининг менинг оғзимда бўлганида, ҳозирроқ бориб олдирган бўлардим.

— Агар у сенинг оғзингда бўлганида, мен ҳам ҳеч иккиланмай, аллақачон олдирган бўлардим, — деб жавоб қайтарибди Афанди.

ҚОСИМЖОНОВ АРГЕНТИНАДА ЎЙНАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш жоизки, ФИДЕ ташаббуси билан ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионатининг аҳамияти беқиёс. Чунки кейинги йилларда федерация ва дунёнинг айрим етакчи шахматчилари ўртасида бироз келишмовчилик келиб чиққанди. Аниқроғи, ФИДЕ раҳбариятининг жаҳон чемпионини аниқлаш бўйича жаҳон чемпионатини янги — ноқадун тизимида ўтказиш тўғрисидаги қарори Гарри Каспаров каби танилиб шахматчиларга маъқул келмади.

Келишмовчиликларни бартараф этиш бўйича ФИДЕ қатор ишларни амалга оширди. Етакчи шахматчилар, хусусан, узоқ йиллардан буён ФИДЕ рейтингда биринчи погонадан пастга тушмаган Гарри Каспаров билан ҳам муросага келишга ҳаракат қилди. Ўнда сини айтганда, рейтингда энг юқори ўринда турган Гарри Каспаровга ноқадун тизим бўйича жаҳон чемпионатининг ғолиби билан мутлақ чемпионлик учун ўйнаш тақлиф этилди.

Ўтган йили ёзда Ливиянинг Триполи шаҳрида ФИДЕ шафёблигида ўтказилган чемпионатда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов жаҳон шахмат тоҳини кўлга киритгач, мутлақ жаҳон чемпионлиги учун курашни давом эттириши лозим эди. Халқаро шахмат федерацияси президенти Кирсан Илюмжинов турт нафар шахмат устаси иштирок этадиган бу ўзига хос мусобақа орқали ҳар томонга тарқалиб кетаётган шахматчиларни бирлаштиришни кўзлаганди.

Бир йил муқаддам бу режанинг бир қисми амалга ошди, холос. Россиялик Владимир Крамник ҳамда Венгрия вакили Петер Лeko мутлақ жаҳон чемпионлиги учун ярим финалда куч синашди. Ушбу баҳсда зафар қучган Владимир Крамник финалда Гарри Каспаров ва Рустам Қосимжонов ўртасидаги беллашувда

ғолиб чиққан гроссмейстерга қарши дона суриси қўтилган. Ҳатто ФИДЕ барчанинг эътиборида турган баҳс 2005 йилнинг январидан Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида ўтказилишини расман эълон қилди. Белгиланган муддат яқинлашгач, Гарри Каспаров муқофот пулларини қафолатлаш борасида ФИДЕ раҳбарияти билан келишолмади. Натижада шахмат оламини марказлаштириши қўтилган мусобақа ўтказилмай қолди. Гарри Каспаровдан раджавобини олган Халқаро шахмат федерацияси турли вариантларни ўйлаб чиқди. Бу орада Гарри Каспаров спортчилик фаолияти якулашини эълон қилди.

Нихоят, ФИДЕ мутахассислари амалдаги жаҳон

собақаси жорий йилнинг 27 сентябр—16 октябрь кунлари Аргентинанинг Сан-Луис шаҳрида ўтказилишини тасдиқлади. Шунингдек, мусобақа иштирокчиларининг номи ҳам эълон қилинди. Жаҳон шахмат тоҳи соҳиби — Рустам Қосимжонов ўз совинини англиялик Майкл Адамс, Венгрия вакиллари — Юдит Полгар, Петер Лeko, россиялик Пётр Свидлер, Александр Морозевич, болгариялик Веселин Топалов, совиқ жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд билан бўладиган баҳсларда ҳимоя қилади. Мусобақа қондасига кўра, номи зикр этилган гроссмейстерлар бир-бири билан икки даврли тизимда куч синашади, яъни ҳар бир шахматчи ўн тўрттадан ўйин ўтказган.



чемпиони — Рустам Қосимжонов ҳамда жаҳон рейтингининг юқори погоналарида турган яна етти нафар шахматчи иштирокида жаҳон чемпионатини ўтказишга қарор қилди. Агар тақлиф қилинган гроссмейстерлардан қай бири мусобақада иштирок этишни хоҳламаса, унинг ўрнига рейтингда ундан кейинги ўринда турган спортчи чакрилиши белгилаб қўйилди. Чемпионатда мезбонлик қилиш истагида бўлган мамлакатлар ўртасида ўтказилган танловда Аргентинанинг Сан-Луис шаҳри ғолиб чиқди.

Куни кеча Дрезденда тўплаган ФИДЕ конгресси делегатлари шахмат оламининг энг нуфузли му-

Конгресс давомиди аёллар ўртасидаги жаҳон чемпионати 2006 йилнинг мартда Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтказилиши, жаҳон шахмат олимпиадасига 2006 йили Турин (Италия), 2008 йили Дрезден (Германия) шаҳарлари мезбонлик қилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, Тинч океанининг гарбий акваториясида жойлашган Палау ҳамда Фарбий Африкадаги Сьерра-Леонеда тузилган ассоциациялар Халқаро шахмат федерацияси таркибига қабул қилинди. Шу билан ФИДЕга қўшилган миллий федерациялар сони 156 тага етди.

Боҳир БЕК

ВАКИЛЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА

Теннис

● Душанбе шаҳрида теннис бўйича Тожикистон Президенти кубоги учун 12 ёшли теннисчилар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Эрон, Афғонистон, Хитой, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Япониядан келган эллик нафардан зиёд умидли спортчилар корта чиқди.

Мусобақанинг қизлар ўртасидаги беллашувларида юртимиз шарафини Галина Сапрунова шогирдлари — Сабина Шарипова, Алиса Огородова, Дияра Саидмухамедова ҳимоя қилди. Ўғил болалар баҳ-

сида Санжар Файзиев, Абдуворис Саидмухамедов, Темур Исмоилов ва Маъсуд Юнусов ғолиблик учун куч синашди.

Турнир Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган эътибор ўз самарасини бераётганини яна бир қарра исботлади. Қизлар ва ўғил болалар ўртасидаги аяқалик беллашувларида ёш теннисчиларимизга тенг келадиқани топилмади. Маҳорат ва тажриба бобида тенгқурларидан устун келган Сабина Шарипова ва Санжар Файзиев барча рақибларини мағлубиятга учратиб, биринчи ўринни эгаллади.

Бадий гимнастика

МЕЗБОНЛАР ҒОЛИБ

● Навоий шаҳридаги «Сўғдиёна» спорт мажмуасида бадий гимнастика бўйича республика кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Мусобақада ўз санъати ва маҳоратини намойиш этган навоийлик Анастасия Берестецкая ғолиб чиқди. Тошкент шаҳри вакили Рита Алимова ва бухоролик Разно Мухамедова кейинги ўринларни эгаллади.

Навоийлик бадий гимнастика бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Анастасия Берестецкая Россия, Хитой, Германия, Испания, Венгрия, Исроил, Озарбойжон каби давлатларда ўтган халқаро мусобақаларда ҳам ғолибликни кўлга киритган.

ХОТИРА ТУРНИРИ

● Қарши шаҳрида шахмат бўйича гроссмейстер Г.Аъзамов хотирасига бағишлаб ўтказилган навбатдаги турнирда юз нафарга яқин шахматчи икки гуруҳда ўзаро куч синашди.

«А» гуруҳи беллашувларида пойтахтлик Акрот Тошхўжаев ўн бир имкониятдан 8 очко жамғариб, биринчи ўринни кўлга киритди. Кейинги ўринларни самарқандлик Соҳиб Жўраев (8 очко) ва сурхондарёлик Комил Раҳматуллин (7,5 очко) эгаллади.

«Б» гуруҳида бухоролик Беғали Саидов тўққиз имкониятдан 8 очко тўплаб, шохсупанинг энг юқори погонасидан жой олди. Самарқандлик Жўрабек Ҳамроқулов (7,5 очко) иккинчи, хоразмлик Руслан Нисометов (7 очко) учинчи ўринни забт этди.

Шахмат

АДОЛАТ
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

Муассис:
Ўзбекистон «Адолат»
СДП Сіёсіі Кенгаши

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган.

Телефонлар:

Қабулхона-136-53-14.
Факс: (8.371) 133-41-89.
Сіёсат ва партия ҳаёти бўлими-136-54-39.
Хатлар бўлими - 136-55-64.

Маънавий, адабиёт ва санъат бўлими - 136-55-64.
Иқтисодіёт ва саноат бўлими - 136-54-39.
Маркетинг ва реклама бўлими - 136-55-96.

Навбатчи муҳаррир — Д. ЖОЗИЛОВ
Навбатчи — А. СҮЮНОВ
Мусаххачи — Н. МУҲСИМОВА
Саҳифаловчи — Ж. ЖАББОРОВ

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

● «Адолат»дан кўчириб
босиш факат таҳририят
рухсати билан амалга
оширилади.
t — мазкур белги остида
тихорат мақолалари чоп
этилади.

Буюртма Г— 600.
Ҳажми—2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими—А-2.

«Шарқ» нашриёт - матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 20.00
Босишга топширилади — 0.30